

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ: СОН ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ: СОН ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*Методик қўлланма*



ТОШКЕНТ
2023

**УЎК: 378(575.1):316.422**
**КБК: 74.03**
**Э – 99**
**Эшмуродов, А.**

Олий таълим ислоҳотлари: сон ва сифат кўрсаткичлари [Матн] : методик қўлланма / А. Эшмуродов, М. Мамарасулов. – Тошкент: "Sano-Standart", 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-7215-7-9

*Мазкур методик қўлланмада кейинги йилларда олий таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни рақамларда таҳлил этилди.*

*Очигини айтганда, сўнги 5-6 йил ичида олий таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, тизим янги қиёфа касб этмоқда. Бу ўзгаришларни олий таълимга кириш тест-синовларидан бошлаб, ўқув-тарбия жараёни, илмий тадқиқот фаолияти, хорижий ҳамкорлик, профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириши ва стажировка жараёнлари, "Рақамли университет" лойиҳаси доирасида олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими, электрон кутубхона платформаси кабиларда кўриш мумкин ҳамда қўлланмада ушбу ислоҳотлар жараёни рақамларда таҳлил этилган.*

*Қўлингиздаги методик қўлланма турли ёшлар, талабалар, профессор-ўқитувчилар, фуқаролар ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган бўлиб, кейинги йилларда олий таълим тизимида амалга оширилган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини қулай ва асослантирилган тарзда етказишга хизмат қилади.*

**Таҳрир ҳайъати:**
Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,
Л.Зарипов, С.Мусамедов, А.Сабриев

**УЎК: 378(575.1):316.422**
**КБК: 74.03**

*Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-7215-7-9

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

## КИРИШ

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ҳаётида барча соҳаларда ортга қайтмас чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар жараёнида ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган ва миллатнинг келажагини белгиловчи таълим тизимидаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида сўзламасликнинг иложи йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ".

Олий таълим тизимида юзага келган муаммоларни қисқа муддатда бартараф этиш юзасидан кейинги йилларда соҳани тубдан ислоҳ этиш, тизимли ислоҳотларни амалга ошириш ва жаҳон стандартларига мослаштириш борасида аниқ, изчил ва кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Соҳа тараққиётига йўналтирилган қонунлар, ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси соҳадаги янги ислоҳотлар учун дастуруламал вазифасини бажармоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган "Таълим тўғрисида"ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинди. Бундан ташқари, давлат олий таълим муассасаларига академик, молиявий ва ташкилий-бошқарувда мустақиллик бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги қарорлари қабул қилинди.

Зеро, мамлакатимиздаги кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, олий таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдевори бунёд этилади. Айни вақтда юртимизда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиликларни кенг жамоатчиликка етказиш, уларда соҳага бўлган ишонч ва эътиборни кучайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу боисдан, ушбу қўлингиздаги методик қўлланма турли ёшлар, талабалар, профессор-ўқитувчилар, фуқаролар ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган бўлиб, кейинги йилларда олий таълим тизимида амалга оширилган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини қулай ва асослантирилган тарзда етказилишига хизмат қилади.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР: СОН ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧИ

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, фарзандларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган 6 йил мобайнида олий ўқув юртлари сони 77 тадан 199 тага етди, уларга қабул 3,5 бараварга ортди. Натижада, нодавлат олий ўқув юртлари 55 тага, хорижий олийгоҳлар 30 тага, давлат олийгоҳлари эса 114 тага етди.

Ҳудудлар кесимида олий таълим муассасалари тақсимоти қуйидагича:

| № | Ҳудудлар | Давлат ОТМ | Хорижий ОТМ | Нодавлат ОТМ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 10 | 0 | 1 |
| 2. | Андижон вилояти | 7 | 2 | 1 |
| 3. | Бухоро вилояти | 5 | 0 | 5 |
| 4. | Жиззах вилояти | 3 | 1 | 1 |
| 5. | Навоий вилояти | 2 | 0 | 1 |
| 6. | Наманган вилояти | 6 | 0 | 3 |
| 7. | Самарқанд вилояти | 14 | 0 | 1 |
| 8. | Сирдарё вилояти | 3 | 0 | 0 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 6 | 0 | 1 |
| 10. | Тошкент вилояти | 7 | 2 | 1 |
| 11. | Фарғона вилояти | 8 | 1 | 3 |
| 12. | Хоразм вилояти | 5 | 1 | 2 |
| 13. | Қашқадарё вилояти | 6 | 0 | 4 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 32 | 23 | 31 |
| | Жами | 114 | 30 | 55 |

Олий таълимга қамров даражасини ошириш мақсадида республика ОТМ-ларига 2022/2023 ўқув йилида қабул кўрсаткичлари жами 197 минг 858 тани (шу жумладан, 16 минг 933 та магистратура) ташкил этиб, ўтган ўқув йилига нисбатан 15 фоизга (27 минг 203 нафар) оширилган. Шу асосда ёшларни олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга оширилди.

Олий таълим тизимидаги трансформация жараёнлари натижасида:

– Тошкент давлат аграр университетининг Нукус ҳамда Термиз филиаллари ҳамда Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиали негизида алоҳида институтлар ташкил этилди;

– Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети, унинг Бухоро ва Қарши филиалларига алоҳида институт мақоми берилди.




Мамлакатимизда чет тили ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, Андижон давлат чет тиллар институти ва Наманган давлат чет тиллар институти ташкил этилди. Самарқанд давлат университети ҳузурида Муҳандислик институти ва Ургут филиали ташкил этилди. Шунингдек, “Янги Ўзбекистон” университетининг ташкил этилганлиги иқтидорли ёшларимиз учун яратилган алоҳида имконият бўлди.

Шу билан бирга, юртимизда хорижий етакчи университетлар филиаллари ташкил этилди. Бунда Санкт-Петербург давлат университети, Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети, Қозон федерал университети, Италиянинг Пиза университети филиалларини алоҳида қайд этиш лозим. Бундай салоҳиятли хорижий олийгоҳларнинг фаолияти маҳаллий олийгоҳларнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Сўнгги йиллардаги ислоҳотлар натижасида олий таълим жараёни тўлиқ кредит-модуль тизимига ўтказилди. Асос сифатида Европанинг ECTS (European Credit Transfer and Accumulation System) тизими қабул қилинди. Ўқув режа ва ўқув дастурлар таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланиши амалиёти бекор қилинди.

Олий таълим муассасаларига академик мустақиллик берилиб, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб барча ўқув режалар ва ўқув дастурлар ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан мустақил ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши тартиби жорий этилди.




Таълим жараёнига олий таълим муассасаларидан олинадиган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизимини рақамлаштириш мақсадида “Рақамли университет” лойиҳаси доирасида “Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими” (HEMIS – Higher Education Management Information Systems) ишлаб чиқилди. Бу тизим “Маъмурий”, “Ўқув”, “Илмий” ва “Молиявий” жараёнларини бошқариш модулларини ўз ичига олади.

**HEMIS ахборот тизими структураси**




“Маъмурий жараён” модулида олий таълим муассасаси структураси, талабалар контингенти ва уларнинг ҳаракати, профессор-ўқитувчилар таркиби тўғрисидаги маълумотларни юритиш ҳамда ҳисоботларни тайёрлаш рақамлаштирилди.



Таълим жараёнини ортиқча меъёрлаштиришни қисқартириш мақсадида олий таълимнинг 26 та таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандартларидан воз кечилди ва стандартлар сони 2 тагача қисқартирилди. Мазкур стандартлар ЮНЕСКО томонидан жорий этилган “Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси” (ТХСК 2011) ҳамда “ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари” (ТХСК-С 2013) асосида қайта ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва Давлат рўйхатидан ўтказилди. Олдинги классификация бўйича 6 босқичли тизим амал қилган бўлса, эндиликда 8 даражали тизим жорий этилди.

Республика олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш таълим сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги 5 йилда 11 минг 990 номдаги янги авлод ўқув адабиётлари яратилди ҳамда нашр этишга рухсат берилди. Жумладан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 1 минг 527 номда (шундан, дарслик – 504 та, ўқув қўлланма – 1 023 та) ўқув адабиётлари нашр этишга рухсат берилган. Олий таълим муассасалари учун яратиладиган ўқув адабиётларини нашр этишга тавсия бериш жараёнини рақамлаштириш, мазкур жараённинг шаффофлигини таъминлаш ҳамда яратилаётган ўқув адабиётларининг сифатини ошириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан **adabiyot.edu.uz** электрон платформаси ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий қилинди.




Президентимизнинг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорига кўра, вазирлик ҳузурида ягона “Электрон кутубхона” (**unilibrary.uz)** платформаси ишга туширилди. Мазкур платформани жорий этиш орқали республикамизда




**3,87** млн.дан зиёд номдаги адабиётлар тўлиқ электрон шаклга ўтказилди

барча талабалар, профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ва аҳолига замонавий ҳамда сифатли кутубхона хизматини кўрсатиш имконияти яратилади. Айтиш жоизки, ушбу платформа фойдаланувчиси исталган ҳудуддан туриб барча олийгоҳлар ўқув ва илмий, бадиий адабиётларидан бирдек фойдалана олади. Бу эса илм олиш истагида бўлганларнинг вақт, макон чегарасини бузиб, ўз устларида ишлаш, мустақил таълим олиш учун қулайлик яратади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот тизими асосида шакллантирилган маълумотлар базалари Молия вазирлигининг “Ягона ижтимоий ҳимоя реестри”, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Ягона меҳнат тизими”, Солиқ қўмитасининг “Ижара” тизими, Ёшлар ишлари агентлигининг “Ёшлар дафтари”, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Геоахборот тизими”, Халқ таълим вазирлигининг “attestat.edu.uz” тизимига интеграция қилинмоқда.




Электрон ҳукуматнинг ягона идоралараро тармоғи билан интеграция қилиш натижасида талабаларнинг ўқиш жойидан маълумотнома сўраш амалиёти бекор қилинди.

Шу билан бир қаторда, талабаларга транспорт воситаларидан фойдаланиш учун имтиёзли чипталарни харид қилиш мақсадида Транспорт вазирлигининг ахборот тизимларига интеграция қилиш натижасида талабалардан “талабалик гувоҳномаси”ни қоғоз кўринишида талаб қилишга чек қўйилди. 2022 йилдан бошлаб, талабаларга ижара пулларини қоплаб бериш мақсадида маълумотларни Давлат солиқ қўмитасининг махсус платформасига тақдим этиш орқали ижарага берувчи ва талаба ўртасида электрон шартномалар тузиш йўлга қўйилди.



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан мамлакат олий таълим жозибадорлигини тарғиб қилувчи “Study in Uzbekistan” (“Ўзбекистонда таҳсил олиш”) махсус веб-портали ишлаб чиқилмоқда. Мазкур портал Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг бакалавриат, магистратура, докторантура таълим йўналишлари, мустақил тадқиқотчилик, изланувчилик хусусиятидан келиб чиқиб, мавжуд барча таълим йўналишлари ва таълим шакллари бўйича таҳсил олиш истагини билдирган хорижий абитуриентлар ва талабалар учун аризаларни онлайн топширишга имкон беради.




## МАЛАКА ОШИРИШ ВА СТАЖИРОВКА ЎТАШ

Ҳамкорлик дастурлари ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантлари доирасида охирги олти йилда (2017-2022 йй.) 6 минг 151 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий олий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборилди.

2017–2022 йиллар давомида олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида 6 минг 279 нафар хорижлик мутахассислар ўқув жараёнига жалб қилинди.

Малака ошириш ва стажировка ўташ
(6 151)

2185 (Европа)

445 (Америка)

1059 (Осиё)

2462 (МДХ)

Ўқув жараёнига жалб қилиган хорижлик профессор-ўқитувчилар
(6 279)

1 845 (Европа)

462 (Америка)

1 759 (Осиё)

2 213 (МДХ)

## ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТ

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида 800 мингдан ортиқ талабаларга 33 минг 63 нафар профессор-ўқитувчи таълим бермоқда. Илмий даражага эгалар – 13 минг 2 нафар бўлиб, шундан, фан доктори (DSc) – 2 минг 687, фалсафа доктори (PhD) – 10 минг 315 нафарни ташкил этади. Докторлик диссертация ҳимоя кўрсаткичи эса 2017 йилга нисбатан 5,1 мартага оширилиб, илмий даражали педагоглар улуши республика бўйича 39,3 фоизга етказилди.




2022 йилда квоталар сони қарийб 100 фоизга оширилиб, вазирлик тизимидаги олийгоҳларга докторантура учун 1993 та квота (1704 та PhD, 128 та DSc, мақсадли докторантурага 156 та PhD, 5 та DSc) ҳамда стажёр-тадқиқотчиликка 308 та квота ажратилди. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида 5 минг 166 нафар докторант ва 379 нафар стажёр-тадқиқотчилар илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланмоқда.

Ҳозирги кунда 71 та олий таълим муассасаси ва 88 та илмий ташкилотларда (жами 159 та) докторантура фаолияти йўлга қўйилган. Илмий раҳбар/маслаҳатчиларга 5 нафаргача тадқиқотчига раҳбарлик қилишга рухсат этилди.




2021 йилда 1765 та диссертация иши, жумладан, 244 та фан доктори (DSc), 1521 та фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш бўйича ҳимоялар амалга оширилди. 2022 йилнинг 1-ярим йиллигида республика олий таълим муассасаларида 929 та диссертация ҳимоя қилинди.

Шу билан бир қаторда, 72,8 миллион доллар бўлган 337 та халқаро илмий-амалий лойиҳа бажирилган. 27 та олий таълим муассасасида Жаҳон банки кредити доирасида Академик инновациялар фонди маблағлари (4 млн. АҚШ доллари) ҳисобидан 32 та лойиҳа йўлга қўйилди. 2022 йилнинг 1-ярим йиллигида давлат илмий дастурлари доирасида умумий маблағи 142 миллиард сўм бўлган 370 та илмий лойиҳа бажарилмоқда.




2021 йилда 206 та халқаро ва 273 та республика миқёсидаги илмий ва илмий-техник тадбирлар режага асосан ўтказилди.

Халқаро стандартларга жавоб берадиган “Ўзбекистон илмий журналлари” онлайн портали (https://uzjournals.edu.uz) яратилди ва 41 та илмий журнал халқаро талабларга мослаштирилди. Мазкур журналларда бугунгача жами 8 минг 404 та мақола чоп этилди ҳамда 108 та давлатдан 335 мингдан зиёд юклаб олишлар кузатилди.

Жорий йилда 14 та олий таълим муассасаси ҳузурида “Бизнес-акселераторлар” фаолияти йўлга қўйилди ва ушбу олий таълим муассасаларида “Инкубация марказлари” ташкил этилди ва ҳозирги кунда уларнинг сони 47 та етказилди. Ҳудудларда “фан – таълим – ишлаб чиқариш” интеграциясини таъминлаш мақсадида 18 та олий таълим муассасасида Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари (ТИҚҚМ) фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.






Қорқалпоғистон Республикасидаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари, ёш олимлари ва иқтидорли талабаларини илмий фаолият билан шуғулланишларига зарур шарт-шароит яратиш мақсадида Қорақалпоқ давлат университетида олий таълим муасасалариаро Ахборот маркази (“Information Center”) ва “Кимёвий технология” илмий тадқиқот лаборатория кластери ташкил этилди.

Жорий йилдаги яна бир муҳим воқеалардан бири QS-халқаро рейтинг компаниясининг 2022 йилда Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари университетлари рейтингида 2 та олий таълим муассасаси, жумладан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти 40 поғона кўтарилиб, (ўтган йил 251-ўриндан) 211+ ўринга, Ўзбекистон миллий университети 100 поғона кўтарилиб, (ўтган йил 351-ўриндан) 251+ ўринга эга бўлганидир.

2022 йил сўнгига қадар “Scopus”, “Science Direct”, “Web of Science” ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи журналлардаги мақолалар сони 4 000 тага етказилади. “Scopus”, “Science Direct”, “Web of Science” ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасига киритилган олий таълим муассасалари илмий журналлар сони 5 тага етказилади. Илмий даража ва унвонларни бериш ваколати босқичма-босқич ОТМга ўтказилади.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда олий таълимга кириш учун ёшлармизга 20 га яқин имтиёз берилган бўлиб, уларнинг асосий қисми давлат гранти асосида қабул қилинади.

Шу билан бирга, талабаларга ҳам турли имтиёз ва имкониятлар яратилиб келмоқда. Бунда ҳокимликлар ҳар ўқув йилида 100 нафардан хотин-қизлар учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий тўлов-контракт суммасини тўлаб беради. Молиявий барқарор олий таълим муассасалари 50 нафаргача хотин-қизларни бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бепул ўқитиб беради. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб мазкур тартибга ўзгартириш киритилиб ҳокимликлар ҳар ўқув йилида 150 нафардан хотин-қизлар учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий тўлов-контракт суммасини тўлаб берадиган бўлди. 2021/2022 ўқув йилида “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг давлат олий таълим муассасаларида таълим олаётган фарзандларига мазкур ўқув йилида биринчи ўқув йили учун базавий тўлов-контрактнинг тўлиқ суммаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди. Маълумот учун республика давлат олий таълим муассасаларига 2021 йилда 385 нафар талаба учун 2,7 миллиард сўм маблағ қўшимча ажратилди.

Талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан тўлов-контракт асосида таълим олаётган 1 ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари талабаларига тўлов-контракт миқдорини ўқув йили давомида тенг улушларда тўртга бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди.

2021/2022 ўқув йилида мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча олий таълим муассасаларида коронавирус инфекциясига қарши ихтиёрий равишда эмланган талабаларга белгиланган тўлов-контракт миқдорларига нисбатан 10 фоиз чегирма бонуси берилди.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилди.

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабаларга стипендия тўлови давлат бюджети ҳисобидан тўланиши ва стипендиясиз контракт-тўловларини амалга оширилиши белгиланди.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари магистратурасига ажратилган қабул параметрлари доирасида базавий тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилинган ва мазкур ўқув йилида иккинчи курсда ўқиётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт миқдори давлат бюджети томонидан тўлаб бериш тартиби жорий этилди.

2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган, ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланди. Бунда:

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари (300 минг сўм), қолган ҳудудларда – базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари (150 минг сўм) дан ошмаслиги;

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оила фарзандларига, ўрнак кўрсатган ва фаол талабалар учун қоплаб берилиши;

олий таълим муассасалари томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган бошқа талабаларга ҳам ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилиши мумкин.

Талабаларни турар жойлари  таъминлаш:

2021 йилда талабалар турар-жойларидаги яшаш хоналарини оптималлаштириш ва икки ярусли кроватларни жорий этиш орқали қўшимча 20 минг ўрин яратилган бўлса, унга қўшимча равишда яна 11 минг ўринли 28 та ётоқхона ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди.

Натижада, давлат ОТМдаги талабалар турар-жойининг сони 256 тага етказилиб, 91 минг нафар талабани жойлаштириш имконияти яратилди ва ётоқхонага бўлган эҳтиёжнинг 41 фоизи таъминланди.

Ҳозирда қўшимча 132 минг ўринли талабалар турар-жойига эҳтиёж мавжуд. 2022–2025 йилларда 85 та ОТМда 91,2 минг ўринли 228 та талабалар турар жойи барпо этиш белгиланди.  Шу қаторда, ОТМнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2,1 минг ўринли 5 та талабалар турар жойи барпо этилади.

Тьюторлар фаолиятининг жорий этилишига катта эътибор қаратилмоқда. 2021 йил 1 сентябрдан талабалар билан ишлаш бўйича “гуруҳ мураббийи” институти бекор қилинди ҳамда ўрнига 1–3-курс талабалари учун муаммоларни бартараф этишда яқиндан ёрдам кўрсатувчи тьюторларни бириктириш амалиёти йўлга қўйилди.

2021/2022 ўқув йилида 97 та ОТМда кундузги ва кечки таълим шаклларида таҳсил олётган 1-3 курс 402 минг 602 нафар талабалар учун 2 минг 806 та штат бирлигида “Тьютор” лавозими жорий этилиб, барчасига олий маълумотли мутахассислар ишга қабул қилинди. Натижада, талаба билан ишлаш самараси 2 баробарга ортган ҳолда, ҳар бир олий таълим муассасасида талабаларнинг ахлоқий тарбияси билан доимий ишлайдиган вакил пайдо бўлди. Соҳадаги ишларни янги босқичга кўтариш, масъул раҳбарлар ваколат ва имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорига биринчи проректор мақоми берилди.




**228 та талабалар турар жойларида 5 муҳим ташаббус доирасидаги клуб ва тўгараклар учун 500 га яқин махсус жиҳозланган хона ажратилди ва улардан талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда фойдаланилмоқда.**



**103 та давлат ОТМга 840 та ҳамда 788 та профессионал таълим муассасалари ва академик лицейларга 2118 та маҳалла бириктирилди ва “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди.**

Талабаларнинг ижтимоий шароитини яхшилаш ва бандлигини таъминлаш масаласи муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Бугунги кунга келиб олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ишлаш ва қўшимча даромад топишга эҳтиёжи мавжуд жами 100 минг нафарга яқин талабалардан 35 минг нафаридан ортиғи, шундан, 3525 нафар чин етим, ногирон ҳамда ижтимоий ҳимоя реестрдаги дафтарларга киритилган талабалар иш билан таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда олий таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёни тизимни янги босқичга кўтарилди. Тизимдаги ўзгаришларга ҳар бир фуқаромиз ўз ҳаёт йўлида дуч келмоқда. Олий таълим тизимидаги ислоҳотлар узлуксиз жараён бўлганлиги сабабли бугунги кунда тизим олдида бир қатор масалалар мавжуд. Жумладан:

давлат таълим стандартларини халқаро стандартларга мослаштириш, ўқитилаётган фанларни мазмунан қайта кўриб чиқиб, ортиқча такрорланишларни қисқартириш, бўшаган дарс соатлари ўрнига мутахассислик фанларни кўпайтириш ҳамда талабаларга мустақил илмий изланиш учун имконият яратиш;

олий таълим сифати ва тақдири, биринчи навбатда, аудитория машғулоти сифатига боғлиқ бўлганлиги боис, 80 дақиқалик аудитория машғулотининг сифатини ошириш чораларини кўриш;

халқаро тажрибада илмий салоҳият 70 фоиздан кам бўлса, бундай университет нуфузли ҳисобланмайди. Шу боисдан, илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари бошқарув кадрларини танлаш ва малакасини ошириш тизимини ислоҳ этиш;

давлат олий таълим муассасалари муассасаларининг моддий техник-базасини такомиллаштириш, замонавий ўқув лабораториялари билан таъминлаш.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- 11 — ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
- 52 913 — ТАЛАБА-ЁШЛАР
- 3 372 — ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР
- 35,7 — ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ
- 221 — ЙЎНАЛИШ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР

### ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ

1 846 (55%) — 1 526 (45%)

8 илмий кенгашлар

134 (фан доктори, DSc)
2 686 (даражасиз)
552 (фан номзоди, PhD)

ТАЛАБА

Эркак — 26 176 (49,5 %)
Аёл — 26 737 (50,5 %)

### 23 илмий лойиҳалар

Хорижий — 9; Амалий — 11; Инновацион — 3

### ТЎЛОВ ШАКЛИ КЕСИМИДА

8 882 (давлат гранти)
44 031 (тўлов-контракт)

### ЭҲТИЁЖ ЮҚОРИ БЎЛГАН ЙЎНАЛИШЛАР

- АГРО ВА ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ
- БИОТИББИЁТ МУҲАНДИСЛИГИ
- ҚУРИЛИШ САНОАТИ, КАДАСТР
- АГРОБИЗНЕС ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ
- КИЧИК БИЗНЕС ва ТАДБИРКОРЛИК
- ГАЗНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ҚАМРОВ КЎРСАТКИЧИ - 47,2 %

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ОТМГА КИРИШ КЎРСАТКИЧИ - 69 %

### ЎҚУВ ШАКЛИ КЕСИМИДА

36707 (Кундузги)
15490 (Сиртқи)
716 (Кечки)

### ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТИ

- 22 — Ҳалок бўлган ҳарбийлар фарзандлари
- 48 — Тўлиқ давлат қарамоғидаги етим талабалар
- 115 — Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлар
- 474 — I ва II гуруҳ ногиронлари
- 52 254 — бошқа

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

### АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- 10 — ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
- 49 612 — ТАЛАБА-ЁШЛАР
- 3 339 — ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР
- 31,7 — ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ
- 159 — ЙЎНАЛИШ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР

### ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ

1 929 (58,48%) — 1 410 (42,52%)

7 илмий кенгашлар

105 (фан доктори, DSc)
2 744 (даражасиз)
490 (фан номзоди, PhD)

ТАЛАБА

Эркак — 25 073 (50,23 %)
Аёл — 24 539 (49,77%)

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ОТМЛАРИ

1 (НОДАВЛАТ ОТМ)
2 (ХОРИЖИЙ ОТМ)
7 (ДАВЛАТ ОТМ)

### ТЎЛОВ ШАКЛИ КЕСИМИДА

6 887 (давлат гранти)
42 725 (тўлов-контракт)

### ЭҲТИЁЖ ЮҚОРИ БЎЛГАН ЙЎНАЛИШЛАР

- АГРОБИЗНЕС
- БИОТИББИЁТ МУҲАНДИСЛИГИ
- ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУҲАНДИСЛИК ХИЗМАТЛАРИ
- ЭНЕРГОАУДИТ ВА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ТЕКШИРУВИ
- ТУРИЗМ
- СПОРТ ФАОЛИЯТИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ҚАМРОВ КЎРСАТКИЧИ - 21,3 %

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ОТМГА КИРИШ КЎРСАТКИЧИ - 74 %

### ЎҚУВ ШАКЛИ КЕСИМИДА

32817 (Кундузги)
16289 (Сиртқи)
506 (Кечки)

### ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТИ

- 9 — Ҳалок бўлган ҳарбийлар фарзандлари
- 4 — Тўлиқ давлат қарамоғидаги етим талабалар
- 13 — Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлар
- 199 — I ва II гуруҳ ногиронлари
- 49 387 — бошқа


БУХОРО ВИЛОЯТИ
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР
10
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
48 048
ТАЛАБА-ЁШЛАР
3 381
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР
34,8
ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ
178
ЙЎНАЛИШ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ
1 670 (49 %)
1 711 (51%)
12 илмий кенгашлар
97 (фан доктори, DSc)
2 794 (даражасиз)
490 (фан номзоди, PhD)
ТАЛАБА
Эркак
Аёл
24 423 (51 %)
23 625 (49%)
БУХОРО ВИЛОЯТИ ОТМЛАРИ
5 (НОДАВЛАТ ОТМ)
5 (ДАВЛАТ ОТМ)
ТЎЛОВ ШАКЛИ КЕСИМИДА
8 077 (давлат гранти)
39 971 (тўлов-контракт)
ЭҲТИЁЖ ЮҚОРИ БЎЛГАН ЙЎНАЛИШЛАР
АГРОБИЗНЕС ва ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ
АГРОЛОГИСТИКА
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ
БИОТЕХНОЛОГИЯ
ТУРИЗМ
КИЧИК БИЗНЕС ва ТАДБИРКОРЛИК
ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ҚАМРОВ КЎРСАТКИЧИ - 41,5 %
АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ОТМГА КИРИШ КЎРСАТКИЧИ - 85 %
ЎҚУВ ШАКЛИ КЕСИМИДА
32317 (Кундузги)
12936 (Сиртқи)
1447 (Кечки)
ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТИ
3 • Ҳалок бўлган ҳарбийлар фарзандлари
28 • Тўлиқ давлат қарамоғидаги етим талабалар
18 • Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлар
289 • I ва II гуруҳ ногиронлари
47 710 • бошқа


ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР
5
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
31 188
ТАЛАБА-ЁШЛАР
1 834
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР
28,1
ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ
91
ЙЎНАЛИШ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ
1 195 (65,06 %)
639 (34,64 %)
3 илмий кенгашлар
44 (фан доктори, DSc)
1 560 (даражасиз)
230 (фан номзоди, PhD)
ТАЛАБА
Эркак
Аёл
16 032 (51,49 %)
15 156 (48,51%)
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ОТМЛАРИ
1 (ХОРИЖИЙ ОТМ)
1 (НОДАВЛАТ ОТМ)
